



20 20у «1» ИЮЛЬ

№ Қ-294

«__» _____ 20__ г

**Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи
худудидан “Аслият Зироат” МЧЖга
“Иссиқхона” биноси қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/265-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 29 апрелдаги 172/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/265-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи худудидан “Аслият Зироат” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 36қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 41,0 балл бонитетли жами 7,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Аслият Зироат” МЧЖ бошлиғи Э.Пиримовга:
ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов